

Янги жамиятни барпо этиш, авлодларимиз учун ёруғ келажакни яратиш эҳтиёжи барчамиздан улкан масъулият, фидойилик ва бунёдкорликни талаб қилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
9-iyul
chorshanba
№ 27 (1454)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Берлинда Ўзбекистон туризм салоҳиятига бағишланган “SOMMERFEST – 2025” фестивали ўтказилди

Ўзбекистон элчихонасида Германия сайёҳлик агентликлари уюшмаси (DRV) билан биргаликда “Sommerfest – 2025” фестивали ўтказилди.

Фестиваль Ўзбекистон туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш ва соҳа вакиллари билан халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

Унда Германия Бундестагининг Туризм қўмитаси раиси Аня Карличек, парламент депутатлари, федерал вазирилик ва идоралар вакиллари, Берлиндаги дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ва вакиллари, Европанинг йирик сайёҳлик компаниялари ва турагентликлари, етакчи авиакомпаниялар, журналистлар иштирок этди.

Тадбирнинг расмий очилиш қисмида сўзга чиққан мамлакатимизнинг Германиядаги элчиси Дилшод Ахатов иштирокчиларни Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти, соҳада амалга оширилаётган иш-лохотлар, янги сайёҳлик йўналишлари, барпо этилаётган замонавий инфратузилмалар ҳамда соҳа ривожини учун сармоя киритишга тайёр инвесторлар учун яратилган қулайлик ва имтиёзлар билан таништирди.

Ислохотлар самараси сифатида Ўзбекистон энг жозибador туризм мамлакатларидан бирига айланиб бораётгани, хусусан, 2022 йилда 5,2 миллион хорижий сайёҳ Ўзбекистонга келган бўлса, 2024 йилда эса уларнинг сони 10 миллиондан ошгани таъкидланди. Бу кўрсаткичлар билан Ўзбекистон ўн миллиондан ортиқ хорижий сайёҳларни қабул қиладиган дунёнинг 28 давлати қаторидан жой олгани урғуланди. Шунингдек, Европа мамлакатларидан сайёҳлар сони ошиб бораётгани, ўтган йилнинг ўзига Германиядан 38 мингга яқин турист ташриф буюргани қайд этилди.

Янги Ўзбекистон халқаро даражада эътироф этилаётганлиги, жумладан, мамлакатимиз 121 мамлакатни ўз ичига олган “Safety Perception Index 2023” – дунёнинг энг хавфсиз мамлакатлар рейтингидан 1-ўринни эгаллагани, Англиянинг “Lonely Planet” сайёҳлик нашриёти томонидан “2024 йилнинг энг яхши туристик йўналиши” ва “2024 йил учун энг орзу қилинган янги сайёҳлик маскани” номинациялари ғолиб бўлгани ҳамда “Wanderlust Reader Travel Awards” му-



кофоти ва бошқа бир қатор совринлар билан тақдирлангани маълум қилинди. Жорий йил куз фаслида ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси орадан 40 йил ўтиб, биринчи марта Париждан ташқарида, яъни Самарқандда бўлиб ўтиши халқаро эътироф сифатида таъкидланди.

Дипломатик ваколатхонаси раҳбари сўзининг якунида хорижий мамлакатларда Ўзбекистоннинг туризм элчилари тайин-

лангани ҳақида айтди ва Германиядан тайинланган икки нафар туризм элчисига Ўзбекистон Туризм қўмитаси томонидан тақдим этилган махсус сертификатларни тантанали топширди.

Германия Бундестаги туризм қўмитаси раиси Аня Карличек ўз сўзида, қадимий ва сайёҳлар учун мафтункор Ўзбекистон бугун сайёҳлик имкониятларини янада юксалтирган ҳолда келажак томон одимлаб бораётгани, мамлакат туризмга иқтисодий тараққиётнинг таянчи сифатида қараётга-

монидан ўзбек миллий куй ва қўшиқлари ижро этилди. Шунингдек, ўзбек миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Аня Карличек, Германия Бундестаги туризм қўмитаси раиси:

— Туризм нафақат инсонларнинг билим ва тафаккурини юксалтиради, балки тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон ноёб маданий меросга эга, унинг қадимий Ипак йўлида жойлашганлиги, маданий хилма-хиллиги ва айниқса, бугун катта одимлар билан ривожланиб бораётгани дунё маданиятига қизиқадиган немис халқи учун севимли туристик масканга айлантирмоқда.

Норберт Фибиг, Германия сайёҳлик агентликлари уюшмаси президенти:

— 2022 йилда соҳамизнинг энг яхши вакилларида иборат делегация билан Ўзбекистонда бўлди. Орадан бир йил ўтиб 80 га яқин сайёҳлик агентликлари ва туроператорлар ходимларига Ўзбекистон билан яқиндан танишиш имконини яратдик. Натижада сайёҳлар сони икки бараварга кўпайди.

Менимча, халқлар урф-одати, маданиятига қизиқадиган сайёҳлар учун Ўзбекистон келажакда энг катта аҳамиятга эга масканга айланади. Биз Ўзбекистонни Германия учун жозибador сайёҳлик маскани сифатида танитиш, бу ишда доим ёрдам беришга тайёرمىз. Мамлакатларимиз ўртасида фойдаланилмаган салоҳият ва имкониятлар жуда катта. Ҳамкорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон томонидан барча зарур шароитлар яратилган, биз Германия туризм уюшмаси, Германиянинг туристик саноати сифатида бу ҳамкорликни яқиндан қўллаб-қувватлаймиз.

“Дунё” АА,
Берлин шаҳри.

ЯНГИ НАШР

ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК ТУҲФАСИ

Икки жилддан иборат “Ўзбек журналистикаси антологияси” китоби дунё юзини кўрди



Ўзбек журналистикаси тарихига назар солмоқ, бу узоқ ва шарафли йўлда ном қолдирган инсонларнинг фаолиятига нигоҳ ташлаш, улуғ адиб Абдулла Қодирий таъбири билан айтганда, жуда хайрли ва эзгу ишдир.

Дарҳақиқат, ўзбек журналистикаси узоқ ва бой тарихга эга. Бу тарихни тадқиқ этиш, миллий журналистикамизнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари ҳақида кенгроқ маълумотларга эга бўлиш, ҳар бир даврнинг энг яхши журналистик материаллари – асарларини ёшларга, келгуси авлодларга етказиш муҳим масала. Тўғри, шу пайтгача медиа соҳага доир қўллаб қаровли ва қўлланмалар, миллий журналистикамиз шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичларига оид маълумотлар ўрин олган китоблар нашр этилган.

2-6.

ОҒРИҚ

Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булогидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Ш. МИРЗИЁЕВ

АВВАЛО ЎЗИМИЗНИ ҲУРМАТ ҚИЛАЙЛИК!

Тил бу шунчаки одамлар ўртасидаги мулоқот воситаси эмас, балки миллатнинг борлигини, шу миллатга мансуб халқнинг яшаётганлигини дунёга кўрсатувчи воситадир.

Шунинг учун ҳам она тилимиз, яъни ўзбек тилининг кадр-қиммати масаласи доимо кун тартибда бўлган.

Аслида она тилини асраш, авайлаш ва унинг ривожини учун курашиш шу миллатга мансуб бўлган ҳар бир кишининг энг муҳим вазифаси, бурчидир. Айтиш жоиз бўлса, бу бурч ва жуда катта масъулият демасдир.

Хўш, биз бу бурчни, тилни асраб-авайлаш масъулиятини бугунги кунда нечоғлиқ уддалаямиз? Тилимизнинг ҳурматини, кадр-қимматини ўрнига қўя оламизми? Саволлар кўп, жавоблардан эса минг афсуски, кўнгил тўлмайди.

Она тилимиз миллатнинг ори, ғурури, ифтихори ҳисобланади. Хўш, оримиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлган тилимиз софлиги учун нималар қилаямиз? Она тилимизни онамизни қадрлагандек қадрлай оламизми? Тилимизга онамизга ҳурмат-эътибор кўрсатган каби ҳурмат ва эътибор кўрсата оламизми? Бу каби саволларга жавоб бериш жуда қийин. Чунки “ҳа” деб жавоб берсак, нафақат бошқаларни, балки ўзимизни ҳам алдаётган бўламиз.

Тўғри, бугунги кунда тилимизга ҳуқуқимиз, хусусан, Президентимиз томонидан катта эътибор қаратилиб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 35 йилдан ошди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун юртимизда ўзбек тили байрами кун деб эълон қилинди. Барча вазириклар, давлат идораларида иш юритиш тўлиқ давлат тилида олиб борилмоқда.

8-6.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

“ТУПРОҒИ ЗАР, МАЪДАНИМ МАНИМ...”

ёки “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла ХУРСАНОВ билан суҳбатдан кейинги уйлар



Ўтган йилнинг кузи эди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида бўлгандик. Яхши меҳмон тўй устига борганидек, ўша кунни комбинатнинг ташкил топганига етмиш беш йил тўлгани муносабати билан ўтказилаётган тантанавий қатнашдик. Комбинат ҳовлисида юзлаб ишчи-хизматчилар, чет эллик ҳамкорлар ва биз каби журналистлар тантана дастурхони атрофида ўтириб, таъсирли воқеалар гувоҳи бўлгандик. Комбинат раҳбари гоҳ меҳнат фахрийлари олдига борар, гоҳ ёш мутахассислар ўтирган жойда уларга илтифот кўрсатар, қатор оралаб юрарди. Ўша кунни энг оддий ходимлар — фаррошдан тортиб боғбонгача мукофот олди.

3-6.

ТАҚДИМОТ

ЖАВОҲИРЛАР ҲАЗИНАСИ

Китоб — ҳаёт ҳикматларини ўргатувчи жавоҳирлар сандиги. Китобга бўлган меҳр-муҳаббат эса, албатта, болаликдан уйғонади.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббуснинг тўртинчиси — Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлиқни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишда, келажакда бўлган азият биламизнинг маънавий дунёсини бойитиш, замонавий техника-технология ривожланган бир пайтда китобга бўлган қизиқишини ва меҳрини ошириш мақсадида 101 йиллик тарихга эга “O‘zbekiston” нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида “Эртақлар яхшиликка етаклар”

руқни остида “Ақылдуу чабан”, “Тумшугидан илинган тулки”, “Тулканининг саргузаштлари”, “Олтин тарвуз”, “Хурмача полвон”, “Тўғрисўз Аҳмад”, “Саводхон жўжа”, “Нилсининг ёввойи ғозлар билан ажойиб саёҳати” каби китобларнинг тақдимот маросими ўтказилди.

Болажонларимиз дунёқарашининг шаклланишида эртақларнинг хизмати беқиёс эканлигини инкор этиб бўлмайди. Кичиктойлар эртақларнинг сеҳрли оламига сайр қилиш орқали мурғак тафаккурларида ҳақиқий ҳаёт ҳақида тасаввур қилиш билан биргаликда жажжи қалбларида азгуликка муҳаббат ва ёвузликка нафрат ҳиссини туядилар.

Эртақлар йиллар ўтса-да, асрлар ўтса-да ўзининг бебаҳо қийматини йўқотмайдиган маънавий озуқаидир.

5-6.

ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ КУЧ

Наманган давлат педагогика институти маданий-маърифий фаолиятини тарбия кластери тизими асосида амалга оширмоқда



...Хозирги кунга қадар институтнинг 33 нафар профессор-ўқитувчиси Финляндия, Жанубий Корея, Англия, Хитой, Малайзия, Туркия, Россия, Беларусь давлатларининг етакчи университетлари ва илмий марказларида малака оширди ва стажировкада бўлди...

6-6.

ИЗЛАНИШ ВА ҲАМКОРЛИК ТУХФАСИ

Икки жилддан иборат “Ўзбек журналистикаси антологияси” китоби дунё юзини кўрди

1-6

Аммо айтиш кунга қадар ўзбек журналистикаси антологияси яхлит ҳолатда яратилмаган эди.


Шу ўринда айтиш жоизки, бир неча йиллар аввал ҳам мазкур эзгу ишни амалга ошириш учун ҳаракатлар бўлган, лекин маълум сабабларга кўра, иш ҳар доим якунланмай қолаверарди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва тегишли ҳужжатларда “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобини нашрга тайёрлаш белгилангани, бунинг учун зарур маблағ ажратилгани ушбу кутлуғ вазифани яратиш имконини берди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ҳамкорлигида ана шу хайрли ишга киришилди. Дастлаб антологияни нашрга тайёрлаш масаласи соҳа олимлари, устоз ва тажрибали журналистлар иштирокида кенг муҳокама қилинди, ишчи ва ижодий гуруҳлар шакллантирилди. Маҳаллий ва халқаро тажрибалар ўрганилди.

Ўрганишлар, изланишлар, билдирилган тақлиф ва тавсиялар асосида “Ўзбек журналистикаси антологияси” китобини нашрга тайёрлаш бўйича режа ишлаб чиқилди. Унда белгиланганидек, яратилган антология “Қадимги давр журналистикасида лавҳалар”, “Миллий журналистика шаклланиши ва тақомилининг асоси (ўрта асрлар)”, “Жаҳид журналистикаси (XIX аср охири - XX аср бошлари)”, “Иккинчи жаҳон уруши даври журналистикаси”, “Тургунлик даври журналистикаси: мураккаб сиёсий жараён ва матбуотдаги эврилишлар”, “Қайта қуриш ва ошқоралик даври журналистикаси”, “Мустақиллик даври ўзбек матбуоти”, “Ўзбекистон фотожурналистикасида лавҳалар”, “Мустақиллик йиллари телевидениеси ва радиоси”, “Ўзбекистон интернет журналистикаси” давр ва йўналишларини ўз ичига олиши керак деган тўхтама келинди. Ҳар бир давр ва йўналишга оид материаллар тайёрловчи ишчи гуруҳ аъзолари ва раҳбарлари белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу китоб жилдларини нашрга тайёрлаш осон кечмади. Иш



жараёнида архив ва кутубхона фондларида сақланаётган тарихий ҳужжат ва газеталардан фотонусхалар, турли даврларда чоп этилган энг сара публицистик мақолалар, очерк ва фельетонлардан намуна ва парчалар олишга тўғри келди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси масъуллари бу борада ёрдамини аямади.

Узоқ вақт изланиш ва ҳамкорликда қилинган меҳнат натижасида 2 жилдлик “Ўзбек журналистикаси антологияси” дунёга келди. Мазкур антологияга миллий журналистикамиз ва унинг шаклланиш босқичларига доир энг муҳим маълумотларни киритишга ҳаракат қилинди.

Маълумки, журналистика ҳар бир халқда ижтимоий тараққиётнинг юқори поғонасида босқичма-босқич шаклларда пайдо бўлган. Юртимиз ўтмиши шу даражада қадимий ва бойки, унинг ахборотга, журналистикага оид тарихи ҳам ўша қадим-қадим даврларга бориб тақалган. Айтилдики, туркий халқларнинг илк ижоди дастлаб мифологияга таянган бўлса, кейинчалик ўзaro ва бошқа халқлар билан маданий, сиёсий, иқтисодий алоқалари натижасида журналистика жанрлари кенгайган, бадиий ижоднинг янги-янги қирралари кашф этилган. Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликларидан тортиб, тошга ўйиб ёзилган Култегин битикларига қадар мурожаат этилса, ота-боболаримиз ўз ҳаё-

тини, қувончу ташвишларини, ўтмишини ўша замонлардаёқ тарихга муҳрлаб ёзиб қолдирганига, айтиш мумкин бўлса, ўша даврлардаги журналистика элементларига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу битиклар турли кўринишларда: номалар, хатлар бўлсин ёхуд эсдаликлар, хотиралар бўлсин, бари-бари миллий журналистикамизнинг шаклланиши ҳамда тақомилининг асоси бўлиб хизмат қилганлигини исботлайди.

Филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборов ушбу антологиядан ўрин олган материалда миллий журналистикамиз шаклланиши ва тақомилининг асоси ўрта асрларга тааллуқли эканлигини таъкидлайди. Унда Носирулдин Бурхониддин Рабғузий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулғозий Баҳодирхон, Муҳаммад Ризо Оғаҳий каби буюк боболаримиз томонидан яратилган қўллаб асарларда ўша замон руҳиятини, воқелигини ёритишда адабий тарихий манбалардаги бадиий публицистик ёки тарихий публицистик талқин хусусиятлари кузатилишини ўқиради. Таниқли олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳалим Саидов эса XIX аср охири – XX аср бошларига оид давр, яъни ўзбек миллий матбуотининг бошланғич даври жаҳидлик ҳаракати билан чамбарчас боғлиқлигини эътироф этган. Шубҳасиз, бу

мулоҳазаларга қўшилмасдан илож йўқ.

Антологиянинг турли бўлимларига оид тадиқотларда Карим Бахриев, Акбар Нурматов, Алижон Сафаров каби таниқли ижодкорларнинг изланишлари ўрин олган.

Китобнинг иккинчи жилдида эса “Мустақиллик даври ўзбек матбуоти” (Назира Тошпўлатова сўзи билан), “Ўзбекистон фотожурналистикасида лавҳалар”, “Мустақиллик йиллари телевидениеси ва радиоси” (Амрилло Каримов мақоласи билан), “Мустақиллик йиллари телевидениеси”, “Мустақиллик йиллари радиоси”, “Ўзбекистон интернет журналистикаси” (Беруний Алимов материали билан) ҳамда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига (1957-2024 йилларда) қимлар раҳбар бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Айтиш керакки, бу бўлимларнинг ҳар бирида ўзбек матбуотининг муҳим пиллапоёлари, соҳага хизмати синган таниқли журналистлар фаолияти ҳақида мухтасар маълумотлар, уларнинг турли йилларда, турли газета ва журналларда, турли жанрларда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган журналистик материаллари билан танишиш мумкин бўлади.

Тўпلامда илк бор мустақиллик даври журналистикасига бағишланган тарихий маълумотлар ва таҳлиллар, ҳаётий қузатувлар, ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритишда фаол иштирок этган муаллифларнинг материаллари жамланган. Ушбу ижод намуналари турли ёшдаги, жумладан, соҳага энди кириб келган ёшлар учун муҳим қўлланма, тажриба мактаби вазифасини ўтайди.

Ушбу китобда миллий журналистикамиз ривожига катта мактаб яратган устоз ижодкорлар, зиёлилар, фахрийлар қаторида Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзининг тигли фельетонлари билан жамиятнинг ўтқир муаммоларини кўтариб чиққан ижодкор Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Фарҳод Мусаҷонов, ўзбек таржима қироли, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуров, олимлар Сайди Умиров, Бойбўта Дўстқороев, таҳрир санъати устаси Маҳмуд Саъдий каби сўз сехрларининг ҳаёти ва ижодидан намуналар ўрин олган.

Шунингдек, тўплам орқали биз миллий журналистикамизнинг ўз йўли, ўз мактаби борлигини, ўзбек журналистикаси умуминсоний қадриятларга суянган ҳолда миллийликни асраб-авайлаш йўлида хизмат қилиб келаётганини

яна бир бор англаймиз.

Антологиянинг II жилдидан ўрин олган Ўзбекистон фотожурналистикасида лавҳалар қисмида миллий фотожурналистикамиз тарихига оид қимматли маълумотлар билан танишиш мумкин. Қайд этилганидек, Тошкент шаҳрининг илк фотосуратлари Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман байроғи билан Политехника кўргазмаси учун шарқшунос ва этнограф Александр Кун томонидан 1871-1872 йилларда тузилган “Туркистон альбому”да чоп этилган. Шаҳар фотосуратлари Н.Нехорошев, К.Сибировские, Д.Назаров ва С.Николай қабилад томонидан олинган.

Китобда ўзбек фотожурналистикасининг асосчиларидан бири Худойберган Девонов (1878-1938) ижоди, фаолияти ва у томонидан суратга олинган тарихий лавҳалар ёки Георгий Зельма (1906-1984) томонидан туширилган бир-биридан ноёб расмлар, Раҳул Алибеков (1936-2022), Соҳиб Маҳкамов (1945-2021), Абдуғани Жумоев (1955 йилда туғилган) сингари машҳур фотожурналистларнинг ижод намуналари билан ҳаяжонсиз танишиб бўлмайди.

Албатта, илк тажриба сифатида нашрга тайёрланган мазкур китобда маълум камчилик ва ноаниқликлар бўлиши мумкин. Хусусан, соҳада ўз ўрнига эга ёки миллий журналистикамиз ривожига баракали ҳисса қўшган, қўшаётган, катта обрў-эътибор қозонган журналистлар – устоз ижодкорларнинг ҳаммасини икки жилдлик китобда қамраб олишнинг имкони йўқ. Бинобарин, бу борадаги ишларни давом эттириш режалаштирилган. Демак, ўша камчиликлар ўрни тўлдирилиб, I-II жилдларга қирмай қолган фидойи журналистларнинг сара ижод намуналари, уларнинг ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар ўрин оладиган янги китоблар дунёга келади.

Миллий журналистикамизнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ муҳим ва қимматли маълумотлар жамланган “Ўзбек журналистикаси антологияси” юртимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари, ижодкорлар, тадиқотчилар, журналист кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари ўқитувчи ва талабалари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади, деган умиддамиз.

Холмурод САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
раиси в.б.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“AGRO IN VITRO” КЎЧАТЛАРИ

АТБ Агробанк Ғаллаорол туманида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этди

Бугун дунёда мева ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Агробанк” томонидан илғор ечимлар тақлиф сифатида бир нечта ноёб лойиҳалар экотизими яратилган.

Хусусан, қишлоқ хўжалигида вируслардан холи серҳосил ва экспортбон мева кўчатларини етиштириш учун “Агробанк” “Agro In vitro” лойиҳасини тақдим этди.

Ушбу хайрли лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 3 августдаги ПК-260-сонли қарори асосида Жиззах вилояти, Ғаллаорол туманида ташкил этилиб, ўтган йил май ойидан ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Лойиҳанинг умумий майдони 20,4 гектарни ташкил этиб, ундан лаборатория, иссиқхона, кўчатзор ва оналик боғи ўрин олган.

20 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция киритилган ушбу лойиҳа шарофати билан 72 нафар маҳаллий мутахассис учун янги иш ўринлари яратилди. Улар орасида 1 нафар PhD, 6 нафар магистр, 9 нафар биотехнолог-агроном ва 24 нафар лаборант бор.

Комплекс босқичма-босқич ишга туширилмоқда:

Натижадорлик мунтазам ортиб бориб 2026 йилда 2 млн, 2027 йилда 5 млн, 2030 йилда эса 10 млн донга кўчат ишлаб чиқариш режалаштирилган. “Agro In Vitro” республикадаги умумий кўчат талабининг 5 фоизини қоплайди. Ва яна энг муҳими ҳосилдорликини 40 фоизгача



ошириш имкониятига эга.

“Agro In Vitro”да дунёнинг илғор компаниялари технологиялари жорий қилинган. Жумладан, “VISCON GROUP” (Нидерландия) томонидан МДХда ягона бўлган “ин-витро” лабораторияси, “Gakon Netafim” (Нидерландия) томонидан эса дунёда бешинчи ўринда турувчи юқори технологияли иссиқхона ишга туширилган.

Хорижий ҳамкорлар сифатида “Battistini Vivai” (Италия), “Vitroplant” (Италия), “Viveros Proveda” (Испания) ва “Foundation Plant Services” (АҚШ) компаниялари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

Шу жумладан, данакли меваларнинг 35 хил, уруғлиларнинг 25 хил, манзарали дарахтларнинг 30 хил, узумнинг 11 хил, пайвандтагларнинг 30 хил ва резавор меваларнинг 18 хил

нави олиб келиниб, сифати кафолатланган кўчатларни етиштириш йўлга қўйилди.

“In-vitro” кўчатлари вирус ва касалликлардан холи, ҳосилдорлик 40 фоизгача юқори, генетик жиҳатдан бир хил бўлганлиги билан афзалдир.

Ил мобайнида кўчатни очик майдонга экиш имкониятини берганлиги ҳам муҳим хусусиятлардан биридир.

Италия давлатининг “Баттистини” компанияси билан “ноу-хау” билимларни ривожлантириш мақсадида 3 йиллик ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ушбу компания 1949 йилда Чезена ҳудудида ташкил этилган бўлиб, бир йиллик кўчат ишлаб чиқариш қуввати 12 млн донани ташкил этади.

Ҳамкорлик доирасида ходимларнинг малакасини ошириш, пайвандлашнинг янги усуллари жорий этиш, шунингдек, Италиядан эртапишар ва кечпишар, ўзини-ўзи чанглатадиган навларни олиб келиш режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, сувсизликка чидамли ва юқори ҳосилдорликка эга бўлган навларни кўпайтириш ишлари йўлга қўйиш ҳам режалаштирилмоқда.

“AGRO IN VITRO” ЛАБОРАТОРИЯСИНИНГ УСТУНЛИК ТОМОНЛАРИ:

— комплекс ишлаб чиқариш занжирининг тўлиқ циклини ўз ичига олади;

— Ўзбекистонда хандон pista, киви, манзарали дарахт кўчатларини кўпайтирувчи ягона “ин витро” лаборатория ҳисобланади;

— Италия ва Испаниядан келтирилган сертификатланган “ин витро” материаллардан клонлар кўпайтирилади;

— “Ин витро” усулида материаллар илдишлари торф шароитида ўстирилади;

— Йил (12 ой) давомида кўчатлар “ин витро” лабораториясидан чиқарилади;

— замонавий иссиқхона ўсимликлар учун идеал ўғитлашни таъминлаб берувчи филтёрлаш тизими билан жиҳозланган (осмос, ультра бинафша);

— замонавий иссиқхона бир вақтнинг ўзида турли хил ўсимликлар билан ишлаш олади (ҳарорат, температура, намлик);


— узум ва мевали дарахтларнинг кўргазмали коллекцияси ташкил этилган;

— бир йилда 2 марта маҳаллий агрономлар, кўчатчилар бепул ўқитилади.

“Agro In Vitro” лойиҳаси маҳаллий агросаноатни ривожлантириш, кўчатларни импорт қилишни қисқартириш ва юқори самарадорликка эга маҳаллий мевали дарахтлар ҳамда узум навларини кенг омалаштиришда муҳим босқич ҳисобланади.

Пресс-тур иштирокчилари ушбу лойиҳани амалга ошириш натижасида мамлакатимиз ҳудудларидаги боғлар янада кенгайди, мевалар ҳосилдорлиги ортиб, эл дастурхонига сифатли маҳсулотлар етказиб бериш кескин қўяди деган ишонч билан тадбирдан қизқичли маълумотлар олишди.

Муҳаммадсоҳиб ТўРАЕВ.



“ТУПРОҒИ ЗАР, МАЪДАНИМ МАНИМ...”

ёки “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси Абдулла ХУРСАНОВ билан суҳбатдан кейинги ўйлар

1-6

Гарчи бу байрамга комбинат раҳбарининг бир ишораси билан машхур хонанда-ю созандалар келиши мумкин бўлса-да, аммо комбинат раҳбари маҳаллий хонандалар пилигини бир парда кўтариб қўйибди. Саҳнада олмалиқлик санъаткорлар. Улар куй-қўшиқлари билан байрамга файз киритишган эди.

Насиб этса, яна келиб мақола тайёрлаш ниятида Олмаликдан хуш кайфиятда Тошкентга қайтгандик...

2025 йил 13 июнь тонгида тахририят режасига кўра Олмаликқа йўл олдим. Тошкентдан Фаргона водийсига олиб борадиган Олмалик автомагистрал йўлидан қирқ йилдан бери водий вилоятларига, туғилган юртим Ўшга бориб қайтаман. Конлар қазиб олишдаги тараққиёт шиддати Қамчиқ дово-нига чиқувчи йўлнинг йўналишини тез-тез ўзгартириб туради. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев иқтидорга келгач, кейинги тўққиз йилда бу қадим йўллар кенгайди, равон бўлди. Атрофларига экилган дов-дарахтлар буй кўрсатиб турибди. Халқаро автомагистрал жаҳон йўл қурилиши андозаларига мос келаётган даражада қайта қурилди. Тошкент-Олмалик йўлининг икки тарафида паст-баланд қияликлар бағрига экилган юз минглаб дарахт ниҳоллари улғайиб, ўрмонзорларга айланётир. Қисқа икки-уч йил ичида яратилган яшилликка — яшил маконларга қараб кўзлар қувнади. Олмаликнинг қаҳрамон кончилари тоғу тошлар қаъридан ажратиб олган олтинлару қим-матбаҳо маъданлар узоқ-узоқларга бу азият йўллардан “сафар”га кетади.

Йўл бўйларидagi адоғи кўринмайдиган

ларга “Мирзиёев боғлари” деб ном бергим келади. Самимий сўзларимни ўқийётган азизлар, яхши биласиз, ўн йил аввал магистрал йўллар ёқаларидаги катта-катта майдонлар чўл бўлиб қараб ётарди. Бугун шу йўлларнинг икки томонидаги боғларни кўриб ақлингиз шошиб қолади, боғбонларига қараб боғбон бўлгингиз келиб кетади. Шубҳа йўқки, кўчат экиб боғу ўрмонлар яратган борки, албатта, ажрини олади.

Хулласи калом, Олмалик кон-металлургия комбинатига етиб бордим. Сим қоқсам, комбинат раҳбари йўлда экан, тез орада идорага келишини айтди.

Очиқ чехра билан “ассалому алайкум-ва алайкум ассалом”дан сўнг у “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг, яъни ўзининг хизмат хонасига таклиф қилди.

Абдулла Хурсанов билан танишмасидан аввал уни мансаб мақомотида кўра, қўл етмас баландда юрадиган, ҳукумат раҳбарлари назаридаги расмий мулозим бўлса керак, деб тасаввур қилгандим.

Олиб киришимга рухсат беришса ҳам, одатимга кўра, қўл телефонимни қабулхона бекасига қолдирдим. Бошқарув раиси мен тақдим этган “Hurriyat” газетасини варақлаб кўздан кечирди. Иш столи устидаги бошқа газеталарга ишора қилиб, оммавий ахборот воситаларидан кўнгли тўлмаётганини дангал айтди. У огриқли ярага туз сепгандай бўлди.

— Телевидение ва газеталарда бирёқламлик кучайиб кетди, — деди у. — Бугун жамиятдаги маънавий таназзул ҳақида журналистлар бонг уриши керак-ку! Одамлар соғлигини ҳам ўйламайди, ёшу қари бирдай

керак. Айрим болалар боғчаларидаги кўзбўямачиликларни қаранг. Набирам пойтахтдаги боғчага қатнайди. Биласизми, эътибор қилсам, кейинги ойлarda унинг таълим-тарбиясида орқага қараб кетиш сезилиб қолди. Мудира ва тарбиячилардан суриштирсам, улардаги мактабгача таълим-тарбия услублари комбинатимиздаги болалар боғчаси даражасидан анча паст экан. Уларни болалар боғчаларимизга таклиф этдим. “Келинлар, кўринлар, ўрганинлар”, дедим. Бола тарбияси ўта муҳим масала, бу муқаддас соҳада кўзбўямачилик қилиш гуноҳ.

— Яқинда ижтимоий тармоқларда бир хонанданинг ўта қиммат нархдаги автомашина сотиб олгани муҳокама қилинди, — деди у сўзида давом этаркан. — Муносабат билдирганлар орасида унга ҳавас қилиб олқиллаганлар ҳам кўп. Савияси енгил, олди-қочди қўшиқлар айтиб, одамларни “ром” этиб бўлган бу қўшиқчи ойдан тушганими? Шунча маблағни жамият учун фойдалироқ ишга сарфласа бўлмайдими? Қўшиқчиларга маънавий-маърифий йўл-йўриқ кўрсатишга ваколатли соҳа бошида турганлар қаёққа қарамокда?

— Яқинда комбинатимиз томонидан 500 та ишчи ўрни яратмоқчи бўлган тадбиркорга 200 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ берилди, — деди у. — Битта автомашина қайда-ю, беш юз киши иш жойли бўлгани қайда? Шу беш юз кишининг ойлик маошига камида мингдан ортиқ одамнинг қозони қайнайди.

— Жудаям огриқли муаммони кўтардингиз, менинг назаримда ҳам, илмдан узоқлашиб, китоб ўқимаслик, ахлоқсизлик, дабдабали ҳаётга кўр-кўрона тақлид қилиш кучайиб бораётганга ўхшайди, — дейман суҳбатдошимга.

Хар яхшилиқнинг асоси иймондир. Бутун билим ва тажрибаси, маҳорати, қалб кўрини ўз ишига бахшида этиб, фидокорона меҳнат қилаётган ўн минглаб одамларга раҳбарлик қилаётган Абдулла Хурсановнинг жамияти-миздаги огриқли муаммоларга муносабатини тинглаб жуда таъсирландим.

Янги Ўзбекистонимизнинг иқтисодий пойдеворида залворли ҳисса қўшаётган қўдратли жамоани адолат ва сидқи ихлос билан бошқараётган, виждони уйғоқ замондош билан дилдан суҳбат қураётганимдан хурсанд бўлиб кетдим. Комбинат раҳбарларидан бир гуруҳи, ҳатто зиммасига алоҳида муҳим вазифалар юкланган ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам иштирок этган бир неча соатлик мулоқотимиз маънавият дарси каби фойдалиб бўлди, деган хулосага келдим.

Корхона раҳбарининг тавсиясига кўра “Металлур” маданият саройи директори Заҳириддин Маҳмудалиев комбинат кон ва корхоналари фаолияти билан таништирадиган бўлди.

— Тушлик вақти бўлиб қолди, бирор салқинроқ жойда овқатланиб олсак бўлармиди? — деди у.

— Ишчи-хизматчилар ошхонаси бор экан-ку, ўша жойда тамадди қилиб олаверамиз, вақтимиз ҳам зиқ.

Ишчилар ошхонасида шаҳарнинг олди кафеларидан ҳам мазалироқ ва хилма-хил таомлар тайёрланган экан.

— Комбинатимиз раҳбари Абдулла Хурсанов жуда камтарин инсон, ўзи ҳам шу жойда ҳамма билан бирга овқатланади, — деди Заҳириддин.

Бизни кутиб турган, чет элда ишлаб чиқарилган, тоғ-кон ҳудудларида ҳаракатлан-ишга мўлжалланган махсус автомобиль воситасида юқорилаб бориб, ясси жойда тўхтадик. Заҳириддин тележурналист экан. Тўрт юз эллик метр чуқурликдан хомашё ортилган залворли автомашиналар ҳаракатини кузатиб турибман. Ҳамроҳим кондаги ишларни ширали оҳангда маҳорат билан гапириб бермоқдаки, худди кончилар ҳақидаги



қизиқарли лавҳани тинглагандек бўласан, киши.

Унинг айтишича, Олмалик кон-металлургия комбинати мис-молибден, полиметалл ва олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Ўзбекистонда ва Марказий Осиёда етакчи саналади. Мис маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича эса дунёдаги ўттизта йирик корхона сафига кира экан.

Олмалик кон-металлургия комбинати меҳнат жамоаси томонидан 2025 йил январь-май ҳолати бўйича 193 740 000 долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилиб, режа 103,1 фоизга бажарилди.

Ўтган беш ойда 17 458 тонна мис маҳсулотлари, 9 496 тонна рух маҳсулотлари, 141 тонна кадмий, 3 326 тонна мис купороси хорижга жўнатилди.

Рений экспортида белгиланган режа салкам тўрт баробар ортиғи билан бажарилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ОКМК экспорт географияси йил сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозирда комбинат маҳсулотлари 19 та давлатга экспорт қилинмоқда. Ўтган йили Гвинея, Сенегал, Сербия, Жанубий Африка Республикаси, Португалия каби давлатларга мис катанкаси ва мис купороси экспорти бошланди.

Комбинат томонидан жорий йилнинг беш ойида товар маҳсулотлари ишлаб чиқариш вазифаси 115,5 фоизга бажарилди.

Мис хомашёсини қайта ишлашда ўсиш суръати қайд этилди. Ушбу йўналишда Мис бойитиш фабрикаси ва 2-Мис бойитиш фабрикаси меҳнат жамоалари ҳам улкан ютуқларга эришмоқда.

Мис катоди ишлаб чиқариш вазифаси 118 фоизга, рух ишлаб чиқариш эса 105,5 фоизга бажарилишига эришилди.

Шунингдек, Ангрен, Чодак кон бошқармаси ва Ковулди кони меҳнат жамоалари олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш, концентратда 1-ва 2-металл каби вазифаларни ҳам ошиғи билан бажарди.

Мис купороси, селен, теллур, перренат аммоний, палладий кукуни каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифалари ҳам тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Президентимиз ташаббуси билан комбинатда “Ёшлик-1” канини очиш учун олиб борилаётган ишлар салмоғини кўриб, ҳаёлимга шу фикр келди: “БУ КОН — БАҒРИ МАЪДАНЛАРГА МАКОН БЎЛГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНИ. КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ТАРИХИГА ЗАРҲАЛ ҲАРОҒЛАР БИЛАН ЁЗИЛАЖАК ЯНГИ САҲИФАСИ!”

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов “Тупроғи зар, маъданим маним, Ўзбекистон

Ватаним маним” дея бежизга куйламаган эди. Чиндан ҳам ҳар қарич тупроғида зарлари бор.

3-мис бойитиш фабрикасидамиз. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида мисли қўрилмаган ишлар бажарилибди. Ўттиз гектардан ортиқ майдонга шу кунга қадар 28 минг 606 туп арча, қайрағоч, тут, деворгул, павлония, тол, садақайрағоч, бодом, гилос, олхўри, ёнғоқ, олма, ўрик, шафтоли, беҳи, айлант каби мева ва манзарали дарахт кўчатлари экиб ундирилибди.

— Аввалига тайёр кўчатлар ўтқазилаётган эди, — деди ҳамроҳим. — Бошқарув раисининг қатъий топшириғи билан энди қаламчалардан кўчат тайёрлашга ўтилди. Гуллар эса уруғидан кўпайтирилмоқда. 35 минг тупдан кўпроқ қаламча ўтқазилган эди, деярли ҳаммаси тутиб кетди. Оддий ишчи-хизматчилар ҳам боғбонлик сирларини ўрганишмоқда. Айтишга осон, бир туп дарахт экиб кўкартиришнинг ўзи бўлмайди! Тоғу тошлар бағрига қадалган дарахтлар, худо хоҳласа, гўзал боғлар бўлади, деган умиддамиз. Бу боғлар ҳақида дostonлар ёзилса арзийди.

Тоғларда боғ яратган боғбонлар орзуни куйга солган машшоқлар каби қадридлир. Уламолар таъбирича, дарахт барглари-ю кўкат япроқлари ҳам салавот айтар экан.

Тоғ-тошлар бағрини ёриб экилган гўзал манзара ҳаёда этувчи кўчатлар орасига боғбон сув тарамокда. Сув эса шаббодани қошига чорлайди, япроқларни уйноқлайди. Атиргулу райхон ифориға маст бўлган майин еллар димоғимизни қитиқлаб атрофга шошилади. Бу мис бойитиш фабрикалари ҳудудларидаги гўзал манзарадан бир лавҳа, холос.

Комбинат корхоналари билан яқиндан танишиш жараёнида шунга гувоҳ бўлдимки, бошқарув раиси Абдулла Хурсановга Аллоҳ яшилликни севгучи, боғу бўстонлар, гулу гулзорлар яратишга ошиқ қалб ато этган экан. Салкам ярим асрлик ижодий фаолиятим давомидаги тажрибамдан шунга англадимки, табиятга меҳри бор фазилатли кишиларгина одамларга ҳам меҳрибонроқ бўлар экан.

Комбинат касабда уюшмаси томонидан ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун амалга оширилган хайрли ишларни ёзсак, газетамизнинг бир неча саҳифалари ҳам етмайди. Абдулла Хурсанов каби инсон қадрини улуғлайдиган, одамларга меҳр-шафқат улашиб завқланидиган, шавкатли вазифаларини астойдил уудалайдиган замонамиз қаҳрамонлари бор бўлсин!

Айнан шу фазилат Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтаётган, истаётган, қўллаб-қувватлаётган фазилат эканлигини таъкидлаш лозим.

Исмда ҳам гап кўп, ҳикмат кўп дейишди. Абдулла — Аллоҳнинг дили, суюкли бандаси дегани экан. Олдиндан айтиб қўяверай, у киши билан суҳбат давомида болаликдаги машаққатлари-ю, илм излаганлари, қурилишлардаги ютуқлари, устозлари, ҳаёти давомидаги мўъжизавий воқеалар ҳақида самимий сўзларини тинглаб, жуда-жуда таъсирландим.

Ижодий сафар чоғида комбинат ишчи-хизматчилари, инженер-мутахассислари билан бўлган суҳбатлардан сўнг жамоадаги маънавият вакиллари, кон-металлургия соҳасининг пешқадам вакиллари ҳақида ҳам келгусида кўп ҳикоялар битишни дилимга тугиб қўйдим.

Ҳаммамизга, хусусан, олмалиқлик маъдан қазувчилар, жасоратли инсонларга ҳам яхшилиқлар, хайрли амаллар рўёби насиб этаверсин!

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.



боғларга нигоҳ ташлаб борарканман, ҳаёл узоқларга олиб кетди. Самарқанд шаҳри атрофидаги қадимда Соҳибқирон Амир Темур бобомиз яратган боғлар ролпа-роса ўттиз беш йил аввал вилоят ҳокими бўлиб ишлаган Пўлат Абдурахмонов томонидан тикланган эди. Шу тўғрисида “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида “Яхшидан боғ қолади” деб номланган публицистик мақолам босилганди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилотида биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йилларида йўл бўйларидagi “Темур боғлари”га янаям катта эътиборда бўлгани кўпчиликка маълум бўлса керак. Айниқса буни бутун Самарқанд аҳли яхши билади. Бугун Тошкент-Ўш йўлининг Ўзбекистондан ўтувчи ҳамма манзилларида ана шундай гўзал боғлар яратилди. Яшилликни кўргананда илҳомим жўшиб кетадиган ижодкор янглиғ ҳеч иккиланмай бу боғ-

интернетга ёпишиб олишган. Кўпчилик ёшлар билимда олдинга, ахлоқда эса орқага қараб кетмоқда. Чет тилларни билади, аммо ҳалол-ҳаромни ажрата олмайди.

Унинг иддаоларини тинглаб ўтириб, Ўзбекистон Қаҳрамони — устоз Иброҳим Ғафуровнинг: “Ҳали пешонасига чизик тушмай суҳанидан манманлик келадиган ёшлар кўпайиб кетди”, дегани ёдимга тушди.

Абдулла Хурсановнинг жамиятдаги бу каби иллатларга бефарқ эмаслиғи суҳбатимизнинг дастлабки дақиқаларидаёқ аён бўлди.

— Айрим аёлларда ҳаё, ибо, эркакларда ор қолмаяпти, улардан тарқаладиган зурриётлар қандай бўлади? — деди у. “Шундай ҳолатларни кўпроқ ёритинлар”, дегандай менга юзланди.

— Бизнинг минг йиллик урф-одатларимиз, маънавий бойлиқларимиз унут бўлмоқда. Буларни, албатта, матбуот кўтариб чиқиши



ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ЖАМИЯТНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ КУЧ

Наманган давлат педагогика институти маданий-маърифий фаолиятини тарбия кластери тизими асосида амалга оширмоқда

Мамлакатимизда ўқитувчи-педагогларга бўлган эътибор давлат сиёсатининг устувор соҳасига айланди. Эндиликда ўқитувчига одамларнинг тафаккурини, жамиятни ўзгартирувчи куч ҳамда янги берунийларни, хоразмий ва фарғонийларни камолга етказувчи, том маънодаги тарихий миссияни адо этишга қодир бўлган инсон сифатида оқилонга муносабат ривожланмоқда. Айниқса, педагогнинг мақоми тан олинди, педагогларнинг ўз касбий фаолиятини юритиши учун барча шароитлар яратилиши, ижтимоий ҳимояси таъминланиши ва ҳуқуқлари амалга оширилиши 2024 йил 1 февралда қабул қилинган “Педагогнинг мақоми тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан қафолатланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 июндаги “Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан ташкил этилган Наманган давлат педагогика институтида фан — таълим — тарбия интеграциясини таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилди.

Институт ташкил этилганидан буён ҳар бир ўқув йили ўзига хос тарзда номланиб келинади. Жумладан, “Тикланиш” йилида — малакали педагог кадрларни саралаш ва ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, “Ривожланиш” йилида — маънавий-маърифий ва тарбиявий фаолият устуворлигини таъминлаш, “Тараққиёт” йилида — илмий тадқиқот ишлари ва илмий салоҳиятни ошириш, “Юксалиш” йилида — халқаро ҳамкорлики мустаҳкамлаш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида институтда илм-фан, таълим-тарбия йўналишида самарали натижага эришилди.

Ҳозирги кунда институтда 3 та факультет, 10 та кафедра ҳамда фан-таълим-маданият-тарбия уйғунлигини таъминлашга қаратилган “Келажак ўқитувчиси маркази”, “Халқаро баҳолаш дастурлари билан ишлаш лабораторияси”, “Маънавият секторлари”, “Ифтихорлар маскани”, “Талабалар академияси”, шунингдек, Наманган вилоятининг ҳар бир туманида институтнинг илмий-ўқув методик маркази фаолият олиб бормоқда.

Институтда илмий-амалий, илмий-назарий тадқиқотларни тизимли, манзилли ва мақсадли амалга ошириш “илм орқали билим бериш” тамойилига асосланади. Педагогик таълимга бундай ёндашув, биринчидан, мукаммал назарий билим олиш орқали амалий фаолиятга яқинлашиш имкониятини берди; иккинчидан, замонавий билимлар воситасида таълим йўналишининг касбий тайёргарлигини ошириш учун қўшимча таълим объектларини яратди. Шунингдек, бу тамойил таълимни рақамлаштириш ва трансформация қилиш, ўқув жараёнига ахборот технологияларини изчил қўллаш, айниқса, таълим маконида суъний интеллект ва моделлаштириш воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятини берди. Натижада педагогика соҳасидаги энг глобал муаммоларни ўрганиш, тадқиқ этиш ва амалиётга жорий этишга қаратилган “мавулар банки” яратилди. Ҳозирги пайтда институтда “Илм орқали билим бериш” тамойилининг “Интернет ресурслари” босқичини амалга ошириш жараёни кетмоқда. Унда ўқув жараёнини ташкил этишнинг амалдаги механизмларини соддалаштириш (осонлаштириш) ҳамда таълим олиш ва таълим беришни янада интерактив ва мослашувчан қилиш назарда тутилган. Шунингдек, ушбу босқичда талабаларга виртуал лабораториялар

ва симуляциялар, рақамли ўқув платформалари ва таълим хизматларидан ҳамда мультимедиа контентларидан фойдаланиш кўникмалари ўргатилади. Бунинг натижасида талабаларга ишончли илмий манбаларни аниқлаш ва мунтазам қўшимча билим олиш имконияти яратилади. Бу жараён ўз навбатида, таълимнинг интерактив ва илмга мослашувчан бўлишига хизмат қилди. Натижада педагогика соҳасида: а) талабаларнинг “Startup”, “Innoweek” лойиҳалари ва халқаро конференциялардаги иштирокининг салмоғи ошди; б) Ҳиндистон, Япония, Англия, Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Беларуснинг нуфузли олий таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлик ва академик мобиллик алоқалари мустаҳкамланди; в) талабаларнинг илмий тадқиқот ишланмаларини яратиш, оммалаштириш, тарғиб қилиш имкониятини берадиган мотивацион муҳит пайдо бўлди; г) таълим траекториясида талабанинг кўп векторли иштироки кенгайди. Яъни талаба нафақат ўқув жараёни билан, балки илмий тадқиқот ва маданий-маърифий соҳада ҳам фаоллашди.

Институтда талабаларнинг илмий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган тизимли ишлар жорий ўқув йилида ўзининг самарали натижасини берди. Жумладан, “Мирзо Улугбек ворислари”, “Мунозара” интеллектуал турнири, “Илм талабаси — 2024”, “Techno Spark” республика инновацион лойиҳалар танлови ҳамда “StudEXPO-2025” халқаро инновацион лойиҳаларида институт талабалари муносиб иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Шунингдек, институтда илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш учун барча шароитлар яратилган. 2025 йилдан 7 та ихтисослик бўйича диссертациялар ҳимоясини амалга оширувчи Илмий кенгаш фаолият юритиб келмоқда. Жорий йилдан институтнинг “Таълим ва тараққиёт” номли илмий-услубий журнали педагогика фанлари бўйича илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхатига киритилди. Ҳозирги кунга қадар институтнинг 33 нафар профессор-ўқитувчиси Финляндия, Жанубий Корея, Англия, Хитой, Малай-




тузилмасида турли кўринишдаги инновацион фаолият учун мавжуд хавфлар юзасидан профилактика ишларини тизимли ташкил этиш мақсадида “Profreading”, “Таржима ва таҳрир”, нуфузли халқаро базаларда мақола чоп этиш бўйича “Маслаҳат Маркази” хизматлари йўлга қўйилган.

Педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришдаги яна бир муҳим жиҳат бўлажак педагогнинг маънавий қиёфаси, билими, дунёқарashi ва албатта, халқаро миқёсда тафаккур қилиш кўникмасига эга эканлиги билан боғлиқ. Бу эса педагогнинг нафақат мутахассислигини мукаммал эгаллашини, балки ахлоқий жиҳатдан юқори савияда бўлишини талаб этади. Зеро, педагог нафақат билим беради, балки тарбиялайди ҳам.

Шу жиҳатдан олганда, Наманган давлат педагогика институтининг маданий-маърифий фаолияти тарбия кластери тизими асосида амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — таълимнинг ахлоқий-эстетик, маънавий-маърифий ҳамда ижтимоий-маданий мазмунини бойитиш, қизқарқилигини ошириш ҳамда таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ривожлантириш асосида шахс (малакали мутахассис)ни тайёрлашдан иборат. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчи (талаба)ни тарбия орқали педагогик фаолиятга тайёрлаш тарбия кластерининг зарурий шарти

Шуни таъкидлаш зарурки, “намунавийлик” ҳар доим “устоз-шогирд” аънаъаси учун муҳим ахлоқий тамойил бўлиб келган ва у “Талаба — талабага устоз, талаба — талабага шогирд” тамойили учун ҳам тарбиявий асос бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун ўқитувчи каби талаба ҳам мақсадга эришишни исташи, хоҳлаши, қизиқиши, реал ва амалий натижага эришиши мумкинлигини англаши зарур. Агар талаба ва ўқитувчи хоҳлаб ишласа, ўз фаолиятидан қониқиш ҳосил қилса, биргаликдаги натижасини кўрса, тарбия кластери самара беради. Акс ҳолда, ташаббус ким томонидан чиқса, ташкил этувчиси, ижроқисси, иштирокчиси ва жавобгари ҳам ўзи бўлиб қолаверади. Натижада ишдан зериккиш, беэтиш, кўнгил совиш, қизқарқилиш ҳолати юзага келади. Тарбия жараёнига нисбатан бу каби эскича ёндашиш хато ва нотўғри эканлигини таълим муассасасидаги айрим маданий-маърифий тадбирларга нисбатан ўқитувчи ва талабаларнинг муносабатида кузатиш мумкин.

Институтда ёшлар билан ишлаш ва маънавий-маърифий соҳада тарбия кластерининг самарали омилларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу ўз навбатида, “талабаларни маънавий тарбия жараёнига тайёрлаш”, “талабаларнинг ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларини қўллаб-қувватлаш”, “талабаларнинг истеъдодларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш”, “илмий-ижодий меҳнати самарасидан манфаатдорлик ҳиссини пайдо қилиш” ҳамда “ёшларга қаратилган таҳдидларга қарши курашиш орқали ғайримаънавий одатлардан ҳимояланиш кўникмаларини ривожлантириш” йўналишида самарали натижага эришиш имконини берди. Жумладан, 2024-2025 ўқув йили да-



ишланмаларнинг республика кўргазма-тақдимотида институт талабалари ўз кўргазмалари билан иштирок этиб, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг махсус ташаккурномалари билан тақдирланди.

Маълумки, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш барча илгор давлатларнинг ижтимоий ривожланиши ва глобал рақобатбардошлигининг муҳим омилли ҳисобланади. Айниқса, педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида такомиллаштириш таълимнинг барқарор тараққиётини таъминлайди. Чунки педагог кадрлар тайёрлаш тизимини ягона ёндашув асосида такомиллаштириш халқаролашиш орқали педагогик таълим сифатини юксалтиришнинг истиқболли мақсадларини амалга оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, мамлакатимизда педагог кадрларни тайёрлашдаги ислохотлар янги босқичга қў-



вомида институтнинг “Дийдор” театри республика олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган “Талабалар театр студиялари” фестивалининг худудий саралаш босқичларида 1-ўринни, республика босқичида 4-ўринни, “Зиё” жамоаси 2025 йил апрель-июнь ойларида “Маърифат майдони” республика танловининг вилоят ва худудий босқичларида 1-ўрин ва республика босқичида 4-ўринни эгаллади. Бундан ташқари, “Маҳмудхўжа Бехбудий сабоқлари” мавзусида ўтказилган иншоолар танлови, “Талаба, югир!” кўнгиллилар югуриш спорт мусобақаларининг 2024 йил “Кузги” ва 2025 йил “Баҳорги” мавсумларида фахрли 1-ўринни, “Жадидлар жасорати — миллатимиз фахри”, “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзуларидаги иншоолар танловининг республика босқичи ғолиби, “Талабалар лигаси” спорт мусобақаларида спортнинг 4 та тури бўйича минтақавий босқич ғолиби, “Ижодкор ёшлар”, “Ёш спортчилар”, “Ёш дастурчилар”, “Ёш китобхонлар” клублари ҳамда “Чевар қизлар” тўғаракларида талабалар томонидан тайёрланган

тарилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 28 апрелдаги “Педагог кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони стратегик аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу ўз навбатида, ўқув дастурларни халқаро тажриба асосида трансформация қилиш, таълим соҳасида узвийлик ва узлуқсизликни таъминлаш, илм-фан ва амалиёт уйғунлигига эришишнинг илмий, таълимий ва методологик асосларини мустаҳкамлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ягона концептуал ёндашув асосида олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлаш сиёсатини юритиш орқали педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Шунингдек, педагогик таълимнинг узвийлиги ва узлуқсизлигини ҳамда таълим-тарбия жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари жорий этилишини таъминлашнинг халқаролашуви учун шароит яратилади. Бундан ташқари, педагогика соҳасида илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг устувор вазифалари — келажак ўқитувчисини тайёрлаш ҳам педагог кадрлар тайёрлашни ягона ёндашув асосида такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Педагогик таълим тизимини ислох этиш ва миллий педагогикани илгор хорижий тажрибалар билан интеграция қилиш орқали ҳозирги кунда ўқув жараёнини мақсадли ташкил этиш, ўтказиш ва амалга ошириш, бўлажак педагогларнинг замонавий билим ва кўникмаларини ривожлантириш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш даражасини юксалтириш ҳамда илгор хорижий тажрибаларни амалдаги таълим тизимига жорий этиш йўналишидаги мавжуд муаммолар манзилли ўз ечимини топади.

Баҳодир ҲУСАНОВ,
Наманган давлат педагогика
институти ректори,
фалсафа фанлари доктори,
доцент.



